

# ТОНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 50 (65926)  
1996 йил, 17 июль, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда



Кечга бориб Қорақалпоғистонлик дугонам Қизларгул хомуш тортиб қолди. Сабабини сўрасам, уйдагиларни соғинаётганини айтди. Мен уни қулдиришга, чалғитишга ҳарчанд уринмай аввалгидай қулмас, ҳатто жилмаймасди. «Биласанми, Қизларгул, уйингдагилар эртага сенинг олдинга келишмоқчи

булиб маслаҳат қилишган, сен ҳақингда гапиришган, шунинг учун сен ҳам улар ҳақида бирданига уйлаб қолгансан, бунини телепатия дейдилар», — дедим гапларим унга барибир таъсир қилмаслигига ишонсам ҳам. Йўқ, янглишган эканман. Қизларгул бирдан жилмайди. «Тугри айтасан, ойим тандирга юпқа, ёғли патир ёпаётган булсалар келрак, дадам шўр балиқ, олиб

келганлар. Мени яхши қуришимни биладилар-да.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг Қизларгулнинг ота-онаси орадан бир кун утгач, етиб келишди. Уларнинг тугунида дугонам айтган ёғли патирдан тортиб, ерэнгоқ, қурутгача бор эди.

Мен ва дугонам Қизларгул дам олаётган Ангрендаги «Узминавтотранс»га қарашли болалар оромгоҳида дўстлари-


миз, қорақалпоғистонлик болалар ҳам ҳордиқ чиқаришаяпти. Ҳар смена 300—400 нафар ўқувчи таътилни кунгилли утказаятган ушбу маскандаги кунлар узоқ вақт ёдимизда қолади.

**Камола ШАЙХОВА**  
Тошкентдаги 91-мактаб ўқувчиси.

## ҒОЛИБЛАРГА СОВҒАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази йил давомида турли хил мусобақа ва тадбирлар утказиб келади. Шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент шаҳрининг Аранча аэродроми майдонида бўлиб утган ракетамодел мусобақасидир. Мусобақада 12 та вилоятдан ва Тошкент шаҳридан ўқувчилар иштирок этишди.

Ҳар бир иштирокчи ўз ракетамоделининг тайёрла-ниш жараёни ҳамда қандай



ишлатилиши ҳақида томошабинларга сўзлаб беришди. Бошқарув нуқтасини босиб, самога парвоз қилдиришди. Шу билан бирга мусобақа қатнашчиларининг назарий билимларини синаш мақсадида тест савол-жавоблари утказилди. Биринчи урин Самарқанд вилояти вакиллари, иккинчи урин Тошкент шаҳрига ва ниҳоят учинчи урин Бухоро вилоятидан келган ракетамоделчиларга насиб қилди.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

**Л. ТҶУХТАЕВА.**



## ВАҚТ ПЕШИНДАН ОҚҚАНДА




Вақт пешиндан оққанда кун қизигандан қизиди.

— Ҳозир зилол сувли анҳорда мириқиб чўмилсанг, — деди Шерзод юз-қузларидан оққан терни артаркан.

— Ие, биров бизнинг қулимиздан ушлаб турибдими, чўмилманглар деб, юринглар, — таклиф қиритди Гайрат Шерзод билан Камолиддинга қараб.

Уч уртоқ чўмилиш ҳавзасига етиб келишганда бу ерда тенгдошлари анчагина эканлигини қуришди. Улар аввал сувнинг тозаллиги, бу ерда чўмилишга руҳсат этилганми — йўқми суриштиришгач,



бемалол сувга тушишди.

Тошкентдаги 23-мактаб ўқувчилари Шерзод Ваҳобов, Гайрат Қодиров, Камолиддин Қучқоров сувдан чиқиб офтобда товланиб ётишганди, қушни 136-мактаб ўқувчиси Қозим Зиямуҳамедов келиб қолди. Тенгдошлар аввал танишиб, дўстлашишди, сўнг чўмилишди, «Ким тез суза олади?», «Сувга туғри сакрай олиш ҳам санъат», «Ким сув остида кўпроқ тура олади?» сингари мусобақалар уюштириб, бу ерга келган барча болаларни баҳсга чорлашди.

**Р. АЛЬБЕКОВ** олган  
суратлар.



## ЗУФАРИЛЛО

Жажжи укачангиз Зуфарулло Бобоев боғча ёшида. У кичкина булса ҳам узини баъзан катталардек жиддий, уйчан тутади, баъзан эса шух-шодон ҳаракатлари билан яқинларининг меҳрини товлантиради. Ёқимтой ва меҳрибон. Бир куни онажониси Муҳаббат онанинг боши оғриб қолди. Зуфарулло катта-катта уйинчоқ машиналарини, кичкина велосипедини бир четга суриб қуйди. Катта-катта кузлари маъюс тортиб онаси ёнига келди. Жажжи қўлчаларини унинг пешонасига қуйди.

Ажабо! Шу заҳотиёқ онанинг вужудига аллақандай енгиллик ёйилди. Узини бардам, тетик ҳис қила бошлади. Бош оғриғи ҳам тарқаб кетди...

## ОРЗУЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛСИН

Болалигим қишлоқда ўтган. Анча олисдаги мактабга қатнаб ўқирдик. Бир куни мактабдан келаятгандик. Атрофи қамишлар билан ўралган кул яқинида расм чизаётган бир гуруҳ мусаввирларга кўзимиз тушиб қолди. Яқинроқ бориб, улардан бирининг чизаётган расмини томоша қила бошладим, чор-атрофда курганларим айнан қоғозда ўз аксини топишти: мовий кул, қалин қамишзор, ҳатто митти ниначи ва чигирткалар ҳам мусаввир назаридан четда қолмаганди. Рассом йигитлардан бири синфдош дустимизнинг расмини чиза бошлади. Бир унга, бир қоғоздаги аксига қараймиз, худди ўзи, юз-кузлари, қиёфаси, кийимлари, ҳатто ўта содда ва тортинчоқлиги ҳам жуда ухшаган. Ўқитувчимиздан уларнинг қимлигини суриштирсам: «Тошкент бадий билим юртининг талабалари, булажак рассомлар. Қишлоғимизнинг гузал манзараларини чизишгапти» дедилар. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, ҳаловатим бузилди. Менда ҳам моҳир мусаввир бўлиш, кўзимга нимаки гузал кўринса, шуни акс эттириш иштиёқи туғилди. Мусаввирларнинг ўзларига ёқмай ташлаб кетган айрим хомаки ишларини йиғиб олдим. Уларга қараб туриб, мен ҳам қандайдир манзаралар қоралай бошладим...

Бир куни ўқитувчимиз: «Болалар, полвон тракторни биласизларми?» деб сураб қолдилар. «Йўқ» дедик бараварига. Кўрмаган бўлсангиз, бугун сизларни ўша ёққа томошага олиб бораман» дедилар. Қарасак, «полвон трактор» деганлари бульдозер экан. Биринчи марта кўрганимизданми, ҳаммамиз хангу-манг бўлиб қолгандик. Кейинчалик колхоз фермасига,

тепаликни насосда сув босими билан ағдараётган ГЭС курувчилари ёнига, пахта қабул қилиш бўлимлари, ҳатто ГЭСнинг узига ҳам саяхатга олиб боргандилар. Қайтганимиздан сўнг кимга қайси касб ёққанлиги, улғайгач ким бўлмоқчи эканлигимиз ҳақида эринмай бирма-бир сураб чиқардилар.

Болаликда одам ҳар нарсага қизиқаверар экан. Олтинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда қишлоғимизга бир санъатшунос келганди. У қандайдир рангли расмларни курсатиб, узоқ маъруза қилди. Ҳамма қатори мен ҳам жимгина ўтириб, маъруза тингладим ўзим ҳам сезмаган ҳолда унинг касбига қизиқиб қолдим.

Чизган суратларим мактабимизнинг кўргазма зали деворидан туш-

### Катталар, эътибор беринг!

мас, портрет, манзара жанридаги расмларим талайгина бўлиб қолганди. Уйимиз деворига баҳайбат шер тасвирини чизганимда уртоқларим, ҳаттоки муаллимимиз ҳам лол қолишганди.

Афсуски, рассом бўлолмадим. Ҳақиқий асар яратиш учун зарур бўлган мойбўёқлар, холст (буз мато), қоғоз хиллари, оддий қаламлар, чорчуп (рама) каби анжомларнинг бирини топсам, бирини тополмасдим. Айнан шу сабабларга кўра рассом бўлишни орзулаган, бора-бора иштиёқ ва қобилиятлари сўниб қолаётган ёшлар ҳозир



ҳам топилади.


Кучамизда яшайдиган Аҳаджон исмли бир бола расм чизишга, жажжи ҳайкалчапар ясашга жуда қизиқарди. Менга эргашиб санъат музейга тез-тез бориб турар, у ердаги сурат ва ҳайкаллардан нусхалар кучириб юрарди. Унинг ишлари Абулқосим мадрасасида очилган болалар ижоди кўргазмасида яхшигина баҳоланди. Ун икки ёшида ясаган ҳайкалчапарни Ўзбекистон Рассомлари кўргазмасидан жой олганда, кўнглимиз фахр ва ифтихордан энтикканди. Кейинчалик уни ҳайкалтарош Дамир Рузиев, ҳамда рассом Чингиз Аҳмаровлар билан таништириб қуйдим. Аҳаджоннинг лойдан ясаган «Робинзон Крузо» ҳайкалчапарини қуриб, Дамир Рузиев ўз тугарагига қабул қилган бўлса, Чингиз Аҳмаров ҳам уни узига яраша «синов»дан ўтказди: «Аҳаджон, сен мени, мен эса сенинг расмингни чизаман, келишдикми?» деганларида, Аҳаджон пластилин сураганди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай Чингиз аканинг митти

ҳайкалчапарни тайёр бўлди. «Ие, худди ўзим-ку!» деб юборгандилар ушанда ҳайратларини яширолмайд...

Орадан йиллар ўтди. Аҳаджон ҳам улғайди. Лекин ўзи орзу қилгандек мусаввир бўлолмади. Тирикчилик, оиладаги етишмовчиликлар сабаб, бошқа касбни танлашга мажбур бўлибди.

Фарзандларимиз орасида Аҳаджон сингари иқтидорли, бирор бир соҳага ҳавасманд ёшлар талайгина. Лекин уларнинг ўз орзуларига эришишлари учун қуруқ ҳавас ва иштиёқнинг ўзи кифоя қилмайди, бизнингча. Иқтидорга таълим-тарбия, алоҳида эътибор, қолаверса, моддий ғамхўрлик лозим. Шундагина истисноддори ёшларимизнинг дилидаги орзулари орзулигича қолиб кетмайди.

**Махмуд РАМАЗОН,**  
Ўзбекистон Рассомлар  
уюшмаси аъзоси



## БАҲОЛАШНИНГ КЎП

Ўтган йили Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими «Дарс пайти ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш» ташаббуси билан чиқишганди. Ҳозиргача баҳолашнинг бу усули айрим мактаблардагина қўлланыпти, холос.

Яқинда пойтахтимиздаги 249-мактабда «Рейтинг-системаси бўйича болалар билимини кўпбаллик тизимда баҳолашнинг синов асослари» яқинида бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ходимлари, тумандаги кўплаб мактабларнинг директорлари, илмий бўлим мудири, ихтисослашган синф ўқитувчилари иштирок этдилар.

Шу уринда, Рейтинг усули нима? деган савол туғилиши табиий. Ўқувчининг сифат тавсияномасини миқдорий курсаткичлар асосида аниқлаш жараёни рейтинг дейилади. Ўқувчининг билимини кўп балли тизимда баҳолашда фанларни ўзлаштириши, қизиқиш ва интилиши, дарсдаги фаоллиги, давомати, ҳулки — ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинади. Тупланган баллнинг 85—100 фоизи «5», 75—85 фоизи «4», 60—75 фоизи «3», 60 дам кам бўлса «2» баҳога тўғри келади.

Семинар-кенгашда «Баҳолашнинг кўп балли тизими қандай натижалар берди? «Янги ўқув йилида ҳам шу усулни давом эттирсан бўладими?» каби саволлар хусусида фикрлашилди. Тажриба тариқасида рейтинг тизимидаги синфлар ташкил қилинган 29-, 191-, 249-, 309-мактабларнинг директор ва ўқитувчилари бирма-бир суз олиб, бу усулнинг афзалликлари, кенг имкониятлари хусусида гапирдилар. Бу тизим ўқувчиларга «5» балли тизимга нисбатан кўпроқ балл тўплаш имконини беради. Бу усул фақат билими кучли бўлган синфлардагина эмас, бушроқ билимли синфларда ҳам қўлланилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки

аълочи ўқувчилар дарсларга қўшимча манбаалар асосида пухтароқ тайёрланиб, янада кўпроқ балл тўплашга ҳаракат қилсалар, билими пастроқ болаларда ҳам маъсулият ҳисси ошадди, ўз устида кўпроқ ишлаб, аълочи синфдошларига тенглашишга интиладилар, дарс мобайнида мунтазам қатнашсаларига балл тўплашлари мумкинлиги, акс ҳолда чорак баҳо ололмасликлари ҳақида ўйлаб қоладилар. Энг муҳими, баҳолашнинг ҳаққоний қўйилишига имкон яратилади.

Чунки ўқувчининг қўлидаги журнал билан ўқитувчининг журналидаги баҳолар бир хил бўлади.

— Ихтисослашган синфлар, махсус лицей-мактаблар ташкил қилиш давр талаби бўлиб қоляпти, — дейди

### Диққат, тажриба!

## БАЛЛИ ТИЗИМИ

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Абдулла ака Раҳматуллаев. — Янги ўқув йилида туманимиздаги 278-мактабни спорт йуналишидаги мактаб-лицейга, 310-мактабни эса авиация ва иқтисодиёт лицейига айлантириш тараддудидамыз. Шунингдек, турли мактабларда биология, тил ва адабиёт, чет тили каби йуналишлар бўйича синфлар ташкил қилганмиз. 249-мактаб қошида 9-синф

ўқувчиларидан иборат махсус банк синфини ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Бугунги кунда ўқувчилардан аризалар қабул қилиниб, тест синовларига ҳозирлик қуриляпти.

Семинар-кенгашдаги мунозараларнинг якуни шу бўлдики, баҳолашнинг рейтинг усули янги ўқув йилидан бошлаб тумандаги барча мактабларда қўлланидиган бўлди.



# МИРЗАПУЛАТ ТОШПУЛАТОВ: «ЮРАК — ОЙНИ АХТАРАЁТГАН БОЛА»

—Инсон юраги,— дейди Мирзапулат ака,—ойни ахтараётган боладай ҳақиқат излашдан чарчамаслиги, ҳамиша уйғоқ бўлиши керак...

—Мирзапулат ака, сизнинг асарингиз асосида суратга олинган «Гуноҳ», фильми халқимизнинг сеvimли киноларидан бирига айланди. Ундаги ҳаётӣ воқеалар, ўзига хос характерлар ниҳоятда миллий. Мана шу мезон ичидаги чуқур туйғулар, юраклар тубидаги ҳиссиётлар кураши ҳар қандай томошабинни ўзига жалб этмай қўймайди. Энди айтингчи, ижод қилаётган пайтингизда кўз ўнгингизда бевосита томошабин турадими ёки кўпроқ кўнгилнинг измига бўйсунасизми?

—«Гуноҳ» туркумидаги ҳикояларим асосида суратга олинган бу фильми томошабин илиқ қарши олди. Албатта, мен муаллиф сифатида бундан мамнунман. Шу уринда бир воқеани айтиб ўтишни истардим: ушбу фильм илк марта намойиш этилганда залдан чиқиб кетган билан ёнимга бир нотаниш қиз келди:

—Мирзапулат ака, мени кечирасиз, сиз қатдан билдиз мени ҳаётимни. Ёки бирон киши айтиб бердими? —деди.

—Йўқ, дедим, мен сизни умуман танимайман.

—Эрмак қилманг, —деди қиз аллақандай ужаллик билан. Ҳатто исминини ҳам узгартирмабсиз-ку?!

—Синглим,—дедим,—бу ҳикоянинг ёзилганига йигирма йилча бўлди. Ушанда ҳам сизга ухшаган бир қанча йигит-қизлар айнан сиз берган саволни беришган эди.

—Ростданми?—деди у ишонқирамай.

—Ишонмасангиз 1977 йилда нашр қилинган «Юракдаги сир» тўпламинини топиб ўқиб чиқинг.

Қиз ҳижолатомуз хайрлаша туриб, энди қилган хатоимни албатта, тузатаман, деб кетди. Уша кун шунга ухшаш саволлар кўп бўлди. Ҳозир ҳам куча-қуйда таниб қолишса, Нурали ва Басиранинг тақдири билан қизиқади-ганлар кўп. Ёзаётганимда эса ҳеч қачон бир кун келиб шу ҳикоя асосида фильм яратилади деб уйламаганман.

«Гуноҳ» туркумидаги бу ҳикояларнинг кино бўлиш тарихи жуда қизиқ.

Тухтасин ака деган режиссёр кўпчиликнинг бадий асарларини йиғиб олди. Орадаги анча жимликдан сўнг Юсуф Розиков деган режиссёр менинг асаримни кино қилиш фикрида эканлигини билдирди. Ва бу асар «Олов қаъридаги фаршта» номи билан кино қилинди.

—Ҳар қандай одамнинг дунёсида камгина бўлса ҳам ўзини севиш хислати бўлади. Мени маъзур тутинг, шўхратга, оловга қандай қарайсиз?

—Отам ёшлигимда оламдан утган, эслолмайман. Айтишларича у киши хатотлик қилган. Ва айти пайтда темирчилик касби билан шўғулланганлар. Қишлоғимиз тайёрагоҳ яқинига жойлашганлиги тўғрисида биз қишлоқ болалари самолётга жуда қизиқиш билан қарар эдик. Кўпчилигимиз эса, севган қизимиз билан самога парвоз қилишни орзу қилар эдик. Болаликнинг бегубор ва самими орзулари эди бу. Бизлардан бирорта ҳам учувчи чиқмади, орзу орзулигича қолиб кетди. Бироқ, ҳозир ҳам ёшимиз бир жойга бориб қолганига қарамай, уша масъум дамларни эсласам кўнглим орзиқиб кетади.

Мен билан адабиёт оламига бирга кириб келган дўстларимнинг ҳеч қайси-сида шон-шўхратга интилиш ҳисси борлигини сезмаганман. Ва уйлайманки,

бунинг ўзига хос сабаблари бор: шахсан мен ўзим шундай тарбия қурганман. Болалигимда бир ўқитувчим булар эди. У кишининг табиати жуда ғалати эди. Ўқитувчимиз синфдаги раиснингми ё оқсоқолнинг ўғлими, ким бўлишидан қатъий назар ҳаммага бир хил муомала қилар эди. Бу ҷупоннинг ёки қамбағалнинг ўғли деб ҳеч кимни камситмасди.



Ёзувчи Мирзапулат Тошпулатов қашқадарёлик. 1976 йили ТошДУнинг журналистика куллийтини битирган. Айти пайтда Ёзувчилар уюшмасида ишлайди. «Юракдаги сир», «Беором тўлқинлар», «Бахт юлдузи», «Ойни ахтараётган бола», «Санъат гулханлари» каби китобларнинг муаллифи. «Олов қаъридаги фаршта», «Гуноҳ», «Тавба» сингари ҳикоялари экранилаштирилган.

Ёзувчи асарларида Ватанга муҳаббат, эътиқод, мардлик, инсон қадри, иймонни асраш каби туйғулар ёрқин манзараларда берилдики, беихтиёр қалбингизни ёруғ ҳислар чулғаб олади. Таъриф таърифда. Аммо асарнинг ўзини ўқишга нима етсин.

Шу муаллимимизнинг ибратли ҳаёти менга бир умрга сабоқ бўлиб қолди.

—Болалигингиз қаерда кечган? Ёдингизда қолган энг ёрқин хотиралардан бирини айтиб берсангиз?

—Менинг болалигим Қашқадарё воҳасининг Дашти Файз обод қишлоғида кечган. Қишлоқ икки катта ариқ орасида жойлашган, табиати ниҳоятда гузал.

Болалигимизда шаррос қуйган ёмғирдан сўнг қўйларни ҳайдаб даштга чиқиб кетардик. Қузиқорин терардик. Ҷупонлар биз терган қузиқоринни қовуриб ўз нонлари билан меҳмон қилишарди.

Ушанда ёмғирдан сўнгги шишадек тиниқ осмон, ҳавонинг беғуборлиги ва ҷупонлар сийлаган ноннинг таъми болаликнинг энг гузал хотираси сифатида бир умр ҳаёлимда муҳрланиб қолди. Мен кейинчалик ҳам кўп марта ўзим тугилиб ўсган қишлоққа бордим. Ёмғирдан сўнг дашти далаларга чиқдим. Аммо болалигимдаги уша манзарани қайта топа олмадим, ҳамон кўмсайман. Кўмсайману болаликка қайтиш иложи йўқлигини ич-ичимдан ҳис этиб тураман.

—Ўзбекистоннинг эртанги эгалари бўгунги болалар ҳақида тасаввурингиз...

—Бу саволингизга жавоб сифатида юқоридаги фикримни давом эттираман. Мен бир нарсани биламанки, пулга, бойликка, шўхратга меҳр қўйганлар қайси замонда Ватан, халқ учун жон қўйдирган? Мана ўзингизга тарихдан маълум, VII асрдаги истилога қарши, Ватан озодлиги учун ким бош кутарди—Виждонини сотмаган оддий халқ. Айнан шу кунларда ҳам юрт бошига шундай халқ суянчиқ бўлмоғи лозим. Мустиқллимиз абадий бўлишини хоҳлар эканмиз, тирчилик деб маънавиятдан йироқлашаётган фар-

зандларимизни яна маънавиятга қайтаришимиз, уларнинг билимга бўлган ташналигини оширишимиз керак.

—Яна бевосита киночилигимиз ҳақида.

—Айти пайтларда анча-мунча яхши кинолар яратилипти, минг афсуски болаларимиз севиб томоша қиладиган фильмлардан ҳанузгача дарак йўқ.

Ўзбекистонимизда иқтидорли режиссёрлар жуда кўп. Истардикки, болаларимиз чет элнинг ҳар хил қаланғи-қарак.

—Режангиз дедингиз халқ қаҳрамонликлари воқеалари асосида яратилган «Санъат гулханлари» қиссамни кино-сценарий қилиб ёзиб қўйдим. Бу сценарийда юрт озодлигини ҳеч бир нарсага алмаштирмайдиган халқ кураши акс этирилган. Уйлайманки, бу болалар учун кичкина тўхфа бўлади.

—Яхши ўқитувчилар яхши шоирларни етиштириб деган экан файласуфлардан бири. Сиз бунинг қандай тушунасиз?

—Адабиёт ўқитувчим эркин ижод дарида ҳикоя ва шеър ёзишни тошширган. Мен шеър ёзганман. Шеърим «Текинхур чумчуқлар» деб номланарди. Шеър анча ҳузилиб кетганди. Ўқитувчим менинг камчилигимни тушунтира туриб бу шеърни ҳикоя қилиш кераклигини айтди.

Биласизми, ўқитувчидаги самимиёт болани шоир қилиши ҳеч гап эмас.

—Ҳар қандай тарбиянинг бош йўли ишончдир. Сизга маълумки, тарбия таълимдан устундир. Фақат тарбиягина инсонни вояга етказиши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат, ишонч ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

—Ёш авлодга битта ўқитувчи эмас, ҳаммамиз ўқитувчи бўлишимиз керак. Боланинг ҳаттоки кўчага чиқиб уйнашдаги маданиятида ҳам маҳалла-қуй, ота-онанинг таъсири бўлиши керак.

Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабатга ота-она аралашиб, «Нега боламга қаттиқ гапирдинг, нега даст баҳо қўйдинг, » деб дағдаға қилмаслиги керак.

Болада келажакка нисбатан ишонч бўлмаса, у лоқайд бўлади.

Ўқувчида ишонч руҳини тарбиялашда ўқитувчи олдида катта масъулият туради.

Ўқитувчи ўқувчи билан гаплашаётганида ўзини дўсти билан гаплашаётгандек тутиши керакки, ўқувчи беихтиёр ўз мавқеини англаши керак.

—Яна «Гуноҳ» фильмига қайтсак. Ундаги Басиранинг бир хатоси қанча фожиага тўла қисмат яратди. Сиз мактабда ўқийтган қизларимизнинг қандай бўлишини хоҳлардингиз? Уларга тилақларингиз?

—Мен ўқувчиларимни Басира қилган хатога йўл қўймасликларини истардим. Келажакда мана шундай хатолар ҳеч қачон такрорланмасин. Фарзандлар ота-онанинг бағрида ўссин. Ота-оналар қилган хатолар учун фарзандларнинг боши эгилимасин. Болаларимиз мард, фидойи инсонлар бўлиб етишиб, мустиқллимизнинг, обод Ўзбекистонимизнинг қуриқчилари бўлсин. Қизларимизни шарқона ҳаё, вафо, сирлилик ҳеч қачон тарк этмасин. Зеро, эртанги Ўзбекистонни яратиш уларнинг қулидир.

—«Тонг юлдузи» газетаси ҳақидаги фикрингиз, таклифингиз?

—Биз ҳаммамиз шу газетани ўқиб катта бўлганмиз. Бу газета ўз олдига қўйган вазифани бажариб келяпти деб уйлайман. Бу газета ўқувчиларнинг маънавий мактаби бўлган ва бўлиб ҳам қолади.

Яна бир нарса, ўз тарихини билмаган ўқувчи юрт қадрига етмайди. Шунинг учун ҳисобга олиб, газетада тарихга бағишланган саҳифа очилса нур устига нур булар эди.

Болалар уртасидаги муносабат ҳақида, ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муомала маданияти ҳақида мақолалар берилиб борилса ҳам яхши булар эди.

—Самими суҳбатингиз учун раҳмат. —Сог бўлинг.

Суҳбатни ХАЛИМА АХМЕДОВА олиб борди.



## Эртак кетмадан эртак



Утган замонларда Бухоронинг Девонбеги ҳовузи ёнида, ҳавонинг иссиқ кунларида эллик ёшларга кирган бир чол сопол кузада, утган кетганларга сув бериб утирар экан. Йулловчилар унинг сувини ичгач пул бермоқчи булганларида пулларини қайтариб:

«Раҳмат, пулингиз керак эмас, икки оғиз сузингиз керак, холос» дер экан. Бунй эшитган айрим кишилар қизқиб: «Нима деб айтилик?» деганларида чол: «Абу Али ибн Синонинг падарига лаънат десангиз» кифоя дер экан.

Кунларнинг бирида бир ёш муллавакча сув ичгач, чолнинг бу сузини эшитиб, ҳайрон қолибди, йул буйи уйлиниб кетибди. Муллавакча Хоразмга боргач, уқиган мадрасасининг мударрисига қурган ва эшитганларини сузлаб берибди. Бу гап мударрисни ҳам қизқитирибди. Мударрис бир кун фалакнинг гардиши билан Бухорога келса, муллавакча айтган чол ҳамон утган-кетганларга сув бериб, кишиларни Абу Али ибн Сино номига лаънат уқишларига ундаб утирганмиш. Мударрис сув ичиб чолга олтин таплаган экан, чол олмабди. Кечга яқин мударрис яна келиб сув ичгач, олтин бериб, чолдан бир кеча меҳмон

## КИМЁТАР

булишни сурабди. Сув сотувчи чол мусофирга раҳми келиб уйига бошлаб борибди. Кечки овқатдан сунг мударрис гап бошлаб унинг Ибн Сино номига лаънат айтиш сабабини билишга уринибди, чол куп қаршилиқ курсатса ҳамки, охири айтишга мажбур бўлибди.

Чол уз саргузаштини бошлаб, шундай дебди: Бундан бир неча йил олдин, раҳматлик отам улими олдида мени олдида қақариб, беҳад куп қуй, эчки, ситир; от, данғиллама ҳовлиларни мерос қолдирди ва умрбод ота-касби савдогарчилик қилишимни васият қилди. Мен ҳам турли шаҳарларга бориб давлат орттира бошладим. Кунлардан бирида Балх шаҳрида молларимни пуллагач, кечки бозорда бир китоб савдоси устидан чиқиб қолдим. Кишилардан, бу қанақа китоб, деб сурасам, улар: «Бу китобни уқиб тушунган киши, тупроқдан олтин қилармиш» дейишди. Мен бор пулимни бериб уша лаънати китобни олдим, уни уқидим. Бухорога келиб уша китобда курсатилган жами кимевий дориларни топдим, бу дориларга бутун давлатимни сотдим. Охири бир кун шу дориларни китобда курсатилгандек бир-бирига қушиб, идиш остига қуйдим-да ўт ёқдим, етти кун кутдим, кейин очиб ичида олтин битгандир десам, олтин эмас, бир ҳовуч кул турибди. Мана шу китоб туфайли бор давлатимдан, ҳовли-жойларимдан ажралдим. Ана шундан бери шу китобни ёзиб, мени утдай қуйдирган Абу Али ибн Синога лаънат уқиш билан узимни овутиб юрибман.

Мударрис бу гапларни эшитгач чолдан бир оз сут, гуруч ва бошқа нарсаларни олиб келишни сурабди, сунгра шу келтирган нарсалардан ширин овқат қилиб сотишни айтибди-да, узи Хоразмга қайтиб кетибди.

Бу лаззатли овқатни қурган Бухоро халқи талаб кетибди, чол овқатнинг келтирган фойдасини куриб, кунига икки-уч маргалаб пиширадиган бўлибди.

Орадан бир қанча вақт утгач мударрис Хоразмдан чиқиб «Чол яна Абу Али ибн Синога лаънат уқитганмикин ёки бас қилдимикин», деб Бухорога келибди.

Бухорога келиб узи курсатган овқатни ҳар бир кучада курибди, сунгра чолнинг олдида келибди, чол эса овқатларни ҳамма хонадонларда пишираётганлигини ва оқибатда қадри кетиб, зарар кураётганлигини айтибди. Мударрис чолга яна пул бериб, бундан бир неча йил олдин Балх шаҳрида олган китобида курсатилган гиеҳлардан олиб келишни сурабди. Мударрис китобда курсатилгандек қилиб уларни идишга солиб уч кун қиздирган экан, учинчи кун олтин пайдо бўлибди. Шунда мударрис бир бутун олтинни чолга узатаётди: «Мана бу олтинни сизнинг кули қукка совирилган давлатингиз эвазига бераман. Сиз бу олтинга ҳар қанча давлат топишингиз мумкин. Сиз оддий, лаззатли овқат сирини уйдалай олмасдан, ҳаммага тарқатдингиз. Агарда олтин сирини билганингизда уни тупроқ билан тенг қилар экансиз, олтиннинг сирини сиз пул бериб олган китобда эмас, илмда, мансабни пулга олиш мумкин, лекин илмни сотиб олиб бўлмайди. Бу китобни ёзган киши уттиз-қирқ йиллик илмий тажрибага асосланиб ёзган. Мана шу китобни ёзган Абу Али ибн Сино мен буламан, бундан буен менинг номимга лаънат айтишни бас қиларсиз, деб чиқиб кетган экан.

## Жаҳон танниган юлдузлар

«Аждарҳонинг қайтиши» — осиелик киноюлдузнинг саксонинчи йилларда Голливуд осмонида куришини Америка газеталари шундай шарҳлашган эди.

Экранда Жеки Чан содда, оддий ва шу билан у-шу кураш санъатини мукамал билладиган, серҳаракат куринади. Унинг иштирокидаги фильмлар ҳаммабоп. Ортиқча зуравонлик, қотиллик, беҳас фильмларда уйнашдан узини тияди. Аксарият

давомчиси деб тан олиннишига сабаб бўлади. Ҳақиқий муваффақият актерга 1978 йили экранларга чиққан «Пьяный мастер» фильми орқали келди. Шундан сунг Жеки Чан Гонконгда энг «қиммат» актёрга айланди. Унинг иштирокидаги ҳар бир фильм 5 млн. долларга айланади.

Айни вақтда Шарқий Осиёда Жеки Чаннинг номи ниҳоятда машҳур. Уз юрти Гонконгда эса унинг олдида тушадигани йўқ. Лекин актёр бу билан мағрурланиб кетмайди. Жекининг куп мингли мухлислари у тузган клубга аъзодилар. Актёрликдан ташқари у хайрия ишларига вақтини ва пулини аямайди. Ёш киноактёрлар ва режиссёрларни қўллаб-қувватлайди.

## ЧАН КВОН-САНГ —

роллари ҳазил-муйтойбага мойил. Чан Квон-санг — 1954 йили Гонконгда камбағал оилада дунёга келди. Ҳаттоки отаси гудаклигида муҳтожликдан 26 долларга сотмоқчи ҳам бўлган.

Бора-бора оиланинг моддий аҳоли яхшиланиб, Жекини маҳаллий хитой опера мактабига уқишга беришади. У ерда актёрлик маҳоратидан ташқари рақс, миллий мусиқадан ҳам дарслар олиб бориладди. Соатлаб бажарилган жисмоний машқлар Жекининг кейинчалик машҳур спортчи-актёр бўлишига замин бўлган.

1970 йили Жеки Чан кинокаскадер бўлиб ишга қиради. Кейинчалик уни актёрлар сафига олишади. Машҳур Брюс Лининг тусатдан улими Жекини Брюс Лининг фахрий

## ЖЕКИ ЧАН

Жеки ҳар кун соатлаб жисмоний машқ билан банд бўлади. Шахсий ҳаёти ҳақида журналистларга гапираверишни ёқтирмайди. Жеки Чаннинг тайванлик актриса Линь Фэнцзя билан турмушидан 13 яшар угли бор.

Бутунги кунда Жеки Чанни машҳур Голливуд режиссёрлари узларининг турли фильмларига тинимсиз таклиф этишмоқда, лекин у бундай шартномаларга қўл қўйишга шошилмаяпти. Уз обрўси, макъси тезда йўқолишини истамайди. «Муваффақият ҳеч нарсас, меҳнат ҳамма нарсас», — бу унинг фалсафасидир.

Маҳмуда ХАЙДАРОВА тайёрлади.



## Ёш каратэчилар

## «АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА 10 САВОЛ» ВИКТОРИНАСИНING

2-ТУР  
ЖАВОБЛАРИ

1. Соҳибқиронга «Темур» исмини отасининг дусту шайх Шамсиддин Кулол қуйган эди.
2. Темур 16 ёшга тулганда отаси уни масжидга олиб келди.
3. Оқсарой 1380 йилда барпо этилган.
4. Бир йилда туғилган уғилларининг исмлари Жаҳонгир мирзо ва Умаршайх мирзо эди.
5. Соҳибқирон Самарқанд атрофида 8 та бог барпо эттирган.

Улар қуйидагилардир: Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Боғи Нақш Жаҳон, Давлатобод, Боғи Зоғон.

6. Амир Темур 25 ёшида Шаҳ-

рисабз шаҳрига ҳоким бўлади.

7. Асар номи «Темур тузуклари».

8. 15 ёшида Темур от миниб ов қила бошлаган.

9. Темур умр буйи «Рости-расти» жумласига риоя қилган. Жумланинг маъноси: ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, омад келтиради, демасдир.


10. «Аввал йулдош, кейин йул».

Тахририятимизга викторинамизнинг 1-ва 2-тур саволлари бўйича ҳанузгача жавоб битилган мактублар келиб турибди. Мактуб йўллаганлар сифатида Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги С. Айний номли 3-мактаб ўқувчиларидан Ғ. Ёдгоров, Т. Исмоилов, Ж. Аҳмедов, Ғ. Файзуллаева, шу тумандаги 40-мактаб ўқувчиси Т. Ҳасанова, 44-мактаб ўқувчиси Ф. Хўжаева, Шофиркон шаҳридан М. Зоирова, Н. Саломов, 39-мактабдан М. Қоилова, Пенку туманидан Ғ. Рустамова, Самарқанд вилояти, Интихон туманидан У. Мўминов, Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги 22-мактабнинг 7-«В» синф ўқувчилари, Тошкент вилояти, Бекобод туманидан Н. Ўринбоева, Писсент туманидан Д. Умарова, Красногорск посёлкасида Х. Содиқова, Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидан О. Хайдаров ва Ғ. Хўжакуловлар номини келтириш мумкин.

Мактуб ёзганларга миннатдорчилик билдириб, викторинамизнинг 3-тур саволларига жавоблар кутиб қоламиз.

## Бўш вақтда

## АДАБИЙ ТОПШИРИҚ



Азиз ўқувчилар! Аввал қуйида таърифланган олти ҳарфли сузларни топиб, шаклда рақам ёзилган айланадан бошлаб соат мили йуналишида ёзинг.

1. Юнон антик давр шоири Гомер достони. 2. Абдулла Ориповнинг волидаи мухтарамаси хотирасига ёзган шеъри. 3. Хоразмлик узбек мумтоз шоири ва тарих-

чиси. 4. XVIII аср охири XVIII аср бошларида яшаб ижод этган узбек газалнавис шоири. 5. Қасиданавис шоир, Алишер Навоий замондопи «Шайбонийнома» асари муаллифи.

Энди қуйидаги таърифланган асарлар номини топиб, шакл марказларидаги айланалардаги рақамларни жавоблардаги биринчи ҳарфлар билан алмаштиринг.

6. Узбек халқ достони. 7. Узбек мумтоз шоири, олими, давлат арбоби ва саркардасининг тарихий асари. 8. Ойбекнинг тарихий романи. 9. Садриддин Айний асари. 10. Марказий Осиёда танилган ватанпарвар аёл ҳақидаги афсонавий асар.

Топшириқни туғри ҳал этган бўлсангиз, шаклнинг қора рангдаги айланаси бўйича ҳарфлардан туронзаминлик тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг ҳикматли сузларидан бири намоён бўлади.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир  
Амида

АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Бумртма — 1-0377.  
7691 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босилиш топшириқ вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.

Телефон:  
33-44-25